## «НЕКСИЯ» КЕРАКМИ?

Марат деганлари пинагиниям бузмади: – Опа, нимага ваҳима қиласиз? Мен ҳуқуқ-тартибот органида ишлайман, ишингизни уч кун ичида ҳал қилиб бераман.

3 бет

## АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ

Бугунги кун журналисти амалдаги ҳамда янги қабул қилинаётган барча қонунлар мазмун-моҳиятини ўзлаштириб борсагина, давр билан ҳамнафас ижод қила олади.

4 бет

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

– Бозордан чиқаётганимда қарасам, биттаси турибди. Чўнтагида эса манави «мени ол» деб ҳиққилавотди. Нима қилишим керак эди? Райини қайтаргим келмади. Шундоқ қўлимни чўздим-у...

10 бет

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ!

Сўнгги кунларда ер шарининг турли томонларида икки маротаба тиш-тирноғигача қуролланган денгиз қароқчиларининг савдо кемаларига босқинчилик қилиш ҳолати кузатилди.

11 бет



Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 1-may, № 18 (591)


БОШ ПРОКУРАТУРАДА

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонунларга риоя қилиниши, бу борадаги прокурор назорати, шунингдек, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларнинг ижро этилиши аҳволи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда кўриб чиқиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилиши билан бирга, бу тоифадаги мурожаатларни ҳал этишда жиноятларни ҳисобдан яшириш ва бошқа жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилишининг сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, бу йўналишда прокурорлик ва идоравий назоратни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларга риоя этилишига оид масала муҳокамаси чоғида бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўзининг муайян самарасини бераётгани қайд этилди.

Шу билан бирга, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, бу турдаги жиноятларга қарши кураш борасидаги иш услубини янада такомиллаштириш, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига солиш бўйича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳамда бу соҳадаги прокурор назоратини янада кучайтириш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Олимхўжа НАБИЕВ,**
**Бош прокуратура бошқарма бошлиғи**

РЕПОРТАЖ



## Машғулотлар давом этмоқда

Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида «Ҳуқуқий журналистика, касбий кўникмалар ва тажрибалар» мавзусида ўқув машғулотлари давом этмоқда. Галдаги машғулотга ташриф буюрган прокуратура фахрийси Венера Луқмонова хотираларини сўзлаб берар экан, мустақиллик йилларида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш борасида ҳуқуқий нашрлар самарали иш юритаётганини таъкидлади.

Малака ошираётган, вилоятларда нашр этилаётган ҳуқуқий газеталарнинг муҳаррир ва мухбирлари билан Республика Олий суди, Хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси муассис бўлган «Ҳуқуқ ва бурч» журнали, Бош прокуратуранинг «Huquq» газетаси таҳририятлари ходимларининг бевосита мулоқоти қизғин баҳсларга бой бўлди. Мулоқот чоғида бугунги ҳуқуқий журналистиканинг ютуқ ва камчиликлари, долзарб муаммолари муҳокама қилинди. «Ҳуқуқ ва бурч» журнали бош муҳаррири Ислом Ҳотамбоев, «Huquq» газетаси бош муҳаррири Жаҳонгир Максумов таҳририятларнинг фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб, ҳамкасбларининг саволларига батафсил жавоб бердилар.

**Ўз мухбиримиз**

ҚОНУН ВА ШАРҲ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 27-28 мартдаги ўн учинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди. Ушбу қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун 2008 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.**

**Қайд этиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ватанимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири жиноий жазоларни либераллаштириш ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, қабул қилинган янги қонун ҳам жиноят қонунчилигимизни либераллаштиришга қаратилган навбатдаги қадамлардан биттаси бўлди.**

## Либераллаштириш давом этмоқда

Маълумки, жазо тайинлаш жиноят қонунчилигининг алоҳида институтларидан бири ҳисобланади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ўз навбатида қонун чиқарувчи орган томонидан баъзи жиноятлар бўйича жазо тайинлашда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида жазо тайинлашга оид нормалар белгиланган. Чунончи, Жиноят кодексининг 58-моддаси биринчи қисмига биноан, суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилиш билан бирга жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади. Шу билан бирга жазо тайинлашга оид ушбу нормаларнинг умумий хусусиятга эга эканлигини, қонунда тамом бўлмаган жиноят учун тайинланадиган жазонинг юқори чегараси белгилаб берилмаганлигини қайд этиш лозим. Тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичида тўхтатилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан камроқ бўлади. Шу сабабли ҳам Жиноят кодексида тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартибини киритишга эҳтиёж бор эди.

Таҳлил қилинаётган қонуннинг мақсади тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар учун судлар томонидан тайинланадиган жазолар миқдорини табақалаштириш билан жиноят судлов ишларида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлашдан иборатдир. Киритилган қўшимчага биноан эндиликда жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Масалан, шахснинг ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми) жиноятини содир этишга қаратилган ҳаракатлари тайёргарлик кўриш ёки содир этишга суиқасд босқичида тўхтатилган бўлса, мазкур жиноят учун ушбу модда қисми санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Агар суд ушбу тамом бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлашни лозим топса унинг муддати 2 йилу 3 ойдан ошмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг Жиноят кодексларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксариятида, чунончи Австрия, Дания, Голландия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларида тамом бўлмаган жиноят учун алоҳида жазо тайинлаш тартиблари назарда тутилган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори тамом бўлган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдорига нисбатан қисқартирилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 66-моддаси учинчи қисмида жиноятга суиқасд қилиш учун тайинланадиган жазо мазкур Кодекс махсус қисмининг тегишли моддасида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазонинг кўп муддати ёки миқдорини тўртдан уч қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг юқорида кўрсатилган тартиби баъзи жиноятлар бўйича, чунончи:

а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун, шунингдек, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми);

в) ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (ЖКнинг 118-моддаси тўртинчи қисми, 119-моддаси тўртинчи қисми);

г) ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисми) учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ушбу қўшимча судларнинг адолатли жазо тайинлаш имкониятларини кенгайтиради, пировардида жиноят қонунчилигимиз нормаларида инсонпарварлик ва одиллик принципларининг амал қилишини таъминлашга хизмат қилади.

**Суръат НАЙИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими**

# ҚОНУННИ ЧЕТЛАМАГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Фуқаро, давлат ва жамият манфаатларининг уйғунлиги иқтисодиётнинг ривожланиши, турмуш фаровонлигининг ўсишига замин яратади. Ана шуни яхши тушунган ишбилармон-у тадбиркорлар бугун иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўз ишини йўлга қўйиб, даромадларини янада кўпайтиришга, янги иш ўринлари яратиб, бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилишмоқда. Лекин бундайлар орасида қонунни четлаб ўтиб, фақат шахсий манфаати учун катта бойлик орттириш ниятида юрганлар ҳам гоҳида учраб турибди. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан бундай ҳуқуқбузарларга нисбатан қатъий чора кўриб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қонунни четлаб ўтмоқчи бўлганларга нисбатан 77 та жиноят ва 18 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 2 млрд. 659 млн. сўмлик қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, давлат бюджетига 756 млн. 198 минг сўм ундирилди.

2002 йилнинг 5 августида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Пул муомаласининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганида, пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсади кўзланган эди. Ўтган давр ичида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо шунга қарамасдан «ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким билмайди» қабилида иш тутадиганлар баъзан учраб турибди. Масалан, бошқарма ходимлари томонидан «Боғот чарос савдо» хусусий фирмаси ўрганилганда, фирма раҳбари Р.Мадраҳимов 2007 йил апрелидан 2008 йилнинг 14 мартига қадар алкоголли маҳсулотларни аҳолига нақд пулга сотиб, фаолиятдан тушган 23 млн. 210 минг сўм пулни назорат касса аппаратидан ўтказмай, банкка ҳам топширмасдан шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги маълум бўлди. Унинг бундай ҳаракатлари савдо қоидаларини бузиш деб баҳоланиб, унга нисбатан ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ишлаб чиқарилган ёки четдан келтирилган маҳсулотларга нисбатан давлат стандартлари ва сифат сертификатларининг татбиқ этилиши маҳсулотнинг нечоғли истеъмолга яроқлилигини назорат қилиш ҳамда унинг саломатликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган салбий ҳолатининг олдини олишга қаратилган. Бироқ, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам саломатлигини ўйламайдиганлар ҳамон топилади. Хусусан, департаментнинг Янгиариқ туман бўлими ходимлари томонидан 2008 йилнинг 7 февралида туманнинг Гулобод қишлоғида яшовчи М.Бекчановнинг уйи кўздан кечирилганда, у яширин цех ташкил қилиб, қўлбола усулда ароқ тайёрлаб, «Урганч ароғи» маркаси остида уни сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Бундай усулда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларнинг сотилиши юзасидан ҳуқуқбузарлардан 1128,5 минг литр, яъни 4 млн. 652 минг сўмлик спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олинди. Яширин цехларни фош этиш борасида 5 та жиноят иши қўзғатилиб, 711 литр 2 млн. 615 минг сўмлик алкоголли ичимликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Валютага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш департамент органларининг асосий вазифаларидан бири саналади. Ана шу вазифадан келиб чиқиб амалга оширилган тадбирлар натижасида, шу йилнинг ўтган даврида жами 15 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, шундан 11 тасига жиноят, 4 тасига маъмурий иш қўзғатилди. Мисол учун, департаментнинг Хива туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келаётган туманнинг Оқ-ёп қишлоғида яшовчи фуқаро М.Каримов деҳқон бозори ҳудудида 1420 сўмдан жами 1900 АҚШ долларини 2 млн. 698 минг сўмга фуқаро У.Қурбоновга сотаётган пайтда қўлга олинди. Шунингдек, унинг ёнида ўтказиш мақсадида сақлаб қўйилган 1180 АҚШ доллари ва 1 млн. 720 минг ўзбек сўми ашёвий далил сифатида олинган.

Фуқаро М.Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг энг самарали воситаси бу унга замин яратаётган ҳолатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирларнинг кўрилиши, шу жумладан, амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунтиришдир. Бу борада қилинган ишларнинг самараси ўлароқ, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказилган бу каби тадбирлар натижасида 545 млн. 691 минг сўм миқдоридаги пул маблағларининг бюджетга ихтиёрий равишда ундирилишига эришилди.

**Рустам СОБИРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи**

---



# МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ

## Мирзачўл туман прокурори Бахтиёр АРАЛОВ билан суҳбат

**— Бахтиёр ака, ҳадемай юртимизда пишиқчилик даври бошланади. Бозорларимиз янада гавжумлашади. Ана шундай вазиятда бозор атрофларида санитарияга хилоф ҳолатлар ҳам пайдо бўлади.**

— Гапингиз тўғри. Бу ҳар йили ёзда такрорланадиган муаммо. Озодалик бўлган жойда фаришта бўлади, дейди халқимиз. Бу гаплар бежизга айтилмайди. Санитария қоидаларига амал қилинган жойда юқумли касалликларга ўрин бўлмайди. Яқинда туман прокуратураси томонидан туман деҳқон бозорлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари савдо дўконлари, ошхоналарда санитария-гигиена қоидаларига риоя этишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда текшириш ўтказилди ва тозаликка риоя этмасдан қонунбузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Туман давлат санитария-эпидемология назорати марказидан олинган маълумотларга кўра, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарида 32 та текшириш ўтказилган. Санитарияга оид қонун талаблари бузилганлиги юзасидан 32 нафар шахсга 1 млн. 322 минг 730 сўм миқдорида жарима солиниб, шундан 804 минг 195 сўми ундирилган. 180 та лабораторияда озиқ-овқат маҳсулотлари текширилиб, 5 та намуна талабга жавоб бермаслиги аниқланди. 205 кг туз, 126 кг. майонез, 96 та уксус яроқсизлиги учун истеъмолдан чиқариб ташланди.

**— Мирзачўл тумани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда вилоятда салмоқли ўринни эгаллайди. Туманда бу йилги ҳосил учун қандай ишлар қилинаяпти?**

— Энг асосийси, деҳқонларимизнинг кайфияти аъло. Чигит экиш ниҳоясига етиб, ҳозирда ниҳолларни парваришлаш бошлаб юборилди. Ғаллазорларимизни кўриб кўзингиз қувнайди. Айниқса, кейинги кунларда ёққан баҳор ёмғири ғаллазорларимизни янада яшнатиб юборди. Ниятларимиз улуғ. Насиб қилса, қишлоқ хўжалиги соҳасида режалар уддаланади.

Бу йил ҳосил учун туманда 589 та фермер хўжаликлари 14 минг 150 гектар ерга чигит, 587 та фермер хўжалиги томонидан 13 минг 82 гектарга ғалла экиш режалаштирилганди. Бу борадаги ишлар ўз ниҳоясига етди.

Бироқ текширишда баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари чигит экишда эътиборсизлик қилиб, ерга вақтида ишлов бермагани аниқланди. Жумладан, «Тўйчибек» фермер хўжалигида 16,9 гектар майдонга фосфорли ва калийли минерал ўғитлар берилмасдан чигит экилганлиги маълум бўлди.

«Янгидала» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги «Пайариқ» фермер хўжалигида 25 гектарга ғалла, 26,2 гектарга пахта, 2,9 гектарга бошқа экинлар экиш режалаштирилганди. Ажабланарлиси, 8 гектарга чигит экиш якунланмасдан туриб бошқа экинлар экиш бошлаб юборилган.

«Курмат ака» фермер хўжалигининг умумий майдони 47,3 гектарни ташкил қилиб, 20 гектарига ғалла, 25 гектарига пахта ва 2,4 бошқа экинлар экиш режалаштирилганди. Текширишда маълум бўлишича, чигит экиш мавсуми тугамасдан 2 гектар ерда қовун экилган, 2 гектар ер бошқа экинлар экиш учун тайёрлаб қўйилган. Бу каби ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари бошқа фермер хўжаликларида ҳам мавжуд.

**— Бахтиёр ака, шу ўринда мавзудан бироз четлашсак. Маълумки, армия — ҳаёт мактаби. Ҳарбийга борган йигитлар дунёга теранроқ қараб, ҳақиқатан ҳам ҳар томондан чиниқиб келади.**

— Бу фикрингизга қўшиламан. Армия йигитларимизни келгуси ҳаётга тоблайди. Келажакда ҳақиқий инсон, юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялайди. Тўғриси, бугунги кунда ҳарбий хизматда бўлиш ҳамма йигитларга ҳам насиб қилавермайди. Мудофаа бўлими ва бошқармалардаги синовлардан муваффақиятли ўтган йигитлар ҳақиқий хизматга жўнатилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимиз учун ишга жойлашишда, олий ўқув юртларига киришда катта имтиёзлар яратиб бердилар. Бу соҳадаги қонунлар ижросига тўхталадиган бўлсам, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда туман мудофаа ишлари бўйича бўлими пул бадаллари тўланиши ва шартнома шартларига риоя этилишини таъминлашда назоратни сусайтириб юборганлиги маълум бўлди. Натижада, қатор сафарбарлик резервига олинган йигитлар сафарбарлик бадалларини тўламасдан шартнома шартларини бузган.

Текшириш жараёнида жами 19 нафар чақирилувчи 8 млн. 317 минг 850 сўмлик сафарбарлик бадалларини тўламаганлиги аниқланиб, туман прокуратурасининг аралашувидан сўнг 5 млн. 411 минг 301 сўмлик бадаллар ундирилиши таъминланди.

Ҳар бир йигит она Ватан олдидаги бурчини унутмаслиги лозим. Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги уларнинг мардлиги ва фидойилигига боғлиқ. Шоир Ғафур Ғулом «Йигитлар халқлар ғурури, фахри», дея бекорга мадҳ этмаган. Шундай экан, ҳар бир йигит Ватаннинг фахри ва ғурури бўлиши лозим.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

---



# «ПОСБОН» КЛУБИ

**Асака шаҳар прокуратураси ёшларнинг тўлақонли билим олишлари, баркамол ўсиб-улғайишлари, танлаган касблари бўйича ишга жойлашишлари масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, ёшлар ўзлари танлаган корхоналарга ишга жойлашишяпти. Бўш вақтларида фойдали машғулотлар билан, хусусан, спорт тўгаракларида банд бўлишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Миллий қадриятларга эътиқод, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳи сингдириляпти.**

Шаҳар прокуратураси ва ИИБ ташаббуси билан ташкил этилган «Посбон» спорт клубининг фаолияти айниқса диққатга сазовор. Унинг низомига асосан шаҳар прокурори клуб президенти, шаҳар ИИБ бошлиғи клуб кенгашининг раиси этиб тайинланган. Дастлаб клубга ИИБда ҳуқуқбузар сифатида рўйхатда турувчи 25 нафар вояга етмаган жалб қилиниб, спортнинг бокс ва таэквандо турлари билан шуғуллана бошлашган эди. Айни чоғда клуб аъзоларининг сони 450 нафардан ортиб кетди. Улар мамлакат ва халқаро турнирларда фаол қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Хусусан, Элёр Ғофуров бокс бўйича ўсмирлар ўртасида тўрт маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. Миллий терма команда сафига қабул қилинди. 2008 йилда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда 91 килограммгача бўлган вазнда ғолиб чиқди. Клубнинг яна бир аъзоси Музаффар Режапов бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатида фахрли ўринларни эгаллади. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақадан совриндор бўлиб қайтди. Ҳозирги кунда у профессионал бокс йўналиши бўйича мусобақаларда рейтинг жангларини ўтказмоқда. 2007 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган бокс бўйича ўсмирлар биринчилигида Бекзод Ҳалимжонов 36 килограммгача, Машҳурбек Раимов 60 килограммгача, Дурбек Абдуллаев 86 килограммгача вазнларда фахрли иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди.

Таэквандо бўйича мусобақаларда ҳам клубимиз аъзолари салмоқли натижаларга эришишмоқда. А.Каримов 2004—2006 йиллари 85 килограммгача вазнда Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони бўлиб, Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Шу йил 30 март—6 апрель кунлари бўлиб ўтган Осиё чемпионатида «Посбон» клуби аъзолари И.Мамарасулов, М.Абубакиров, Д.Эргашевлар ўз вазн тоифаларида фахрли учинчи ўринларни эгаллашди.

Турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётган ўсмирлар тенгдошларига ибрат бўлиб келишмоқда. Уларга ҳавас қилган, спортга қизиқиш уйғониб, клубга аъзо бўлаётган ўсмирлар сафи кенгаймоқда. Энг муҳими, бекорчилик оқибатида вояга етмаганлар содир этадиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сезиларли камаймоқда.

**А.МАМАТХЎЖАЕВ,**
**Асака шаҳар прокурори**

# МУҚАДДАС МИНБАР




1991 йилнинг 3 майида Африка мамлакатлари мустақил матбуоти вакиллари Намибиянинг Виндхук шаҳрида декларация қабул қилиб, унда жаҳондаги барча мамлакатлар ҳукуматларини матбуот эркинлиги ва унинг демократиклигини таъминлашга даъват этган эди. Орадан икки йил ўтиб ЮНЕСКО ана шу декларация қабул қилинган кунни нишонлаш ташаббуси билан чиқди. 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 3 майни Жаҳон матбуоти эркинлиги куни деб эълон қилди. Шундан буён бу сана бизнинг республикамизда ҳам Жаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида кенг нишонланиб келинади.

Яна шуниси диққатга сазоворки, айнан 3 май куни энг яхши ва фаол журналистларга ЮНЕСКОнинг эркин матбуот ишига қўшган ҳиссаси учун таъсис этилган Гельмеро Кано (1986 йилда ҳалок бўлган колумбиялик журналист) номидаги мукофот ҳам топширилади. Демак, биз матбуот ходимлари бу кунни унутилмас сана сифатида нишонласак арзийди.

Бироқ матбуот эркинлигида ўзига хос муаммолар ҳам бор. Бу муаммолар турли даврларда турлича ҳал этиб келинган. Собиқ шўролар тузими даврида мамлакатимизда матбуотнинг кенг тармоғи мавжуд бўлса-да, у коммунистик мафкура тазйиқидан холи эмас эди. У даврларда сўз, матбуот эркинлиги ҳақида фақат қоғозлардагина ёзиларди, холос. Аслида эса матбуот чинакамига эркин эмас эди.

Ҳозирги пайтда матбуот ва ОАВ одамларнинг кундалик эҳтиёжларидан бирига айланди, бутун дунё ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида уларнинг роли ва аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Бугун матбуот фуқароларнинг том маънодаги эркин сўз айтадиган минбарига айланиб, давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро алоқа риштаси вазифасини бажариб келаяпти. Таъкидлаш жоизки, буларнинг ҳаммаси кейинги йилларда мамлакатимизда матбуот ва ОАВни демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги натижасидир.

Мустақиллик йилларида матбуот Ватанимиз ва фуқароларимиз манфаатлари ҳимоячиси сифатида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилган.

Кейинчалик ҳам матбуот эркинлиги бўйича қатор қонунлар қабул қилиндики, уларни ҳам алоҳида тилга олиб ўтмасдан бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 15 январдан кучга кирган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлари шулар жумласидандир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ ҳар бир шахс матбуотда қатнашиш, ўз фикрини баён этиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситаларига ахборотни излаш, олиш, тарқатиш борасида кенг ҳуқуқлар берилган. Шу билан бирга ҳар бир ОАВ ўзи тарқатган ахборотларнинг холислиги ва ҳаққонийлиги учун белгиланган тартибда масъулдир.

Мазкур қонунларда журналистнинг журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Шунингдек, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар берилиши ҳам кўрсатилган. Бу мамлакатимизда матбуот ва ОАВ эркинлигининг кафолатидир.

Ўзбекистонда жамоат, нодавлат ташкилотлари ва тузилмаларида ахборот хизматларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, техник шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар ўз фаолиятларини самарали амалга оширмоқдалар.

Ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил қадам ташлаётган мустақил республикамизда шу тариқа матбуот эркинлиги ҳар томонлама такомиллашиб бормоқда. Президентимиз ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида «Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда», дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Биз давлатимиз раҳбарининг йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларига оғишмай амал

## *3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни*

қилишимиз керак.

Сўз — атомдан кучли. Эндиликда ядро полигонларида эмас, балки мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бугун дунёда устунлик қилиш учун қурол-яроғ ваҳимаси билан қутқу солиш шарт эмаслигини, ҳар қандай миллат орасига мафкуравий хуружлар, энг аввало, ўша миллатнинг ёш авлоди, ўсиб келаётган ўсмирлари онгини заҳарлаш билан мақсадга эришиш мумкинлиги ва мафкуравий ғанимларимиз бугун худди шунга ҳаракат қилаётганларини, айниқса биз журналистлар ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Мафкура қуроли, аввало, ташқи таъсир кучлари томонидан «босиб олиниши» режалаштирилган миллатларнинг ёшларига қаратилиши аён. Чунки, ўзга ёт мафкуралар, хамиртуруш бўлган ғоялар ўзга миллат ёшлари онгида тезроқ ниш уриши тайин. Шундай экан, бундай ёт ғоялар ёшларимиз онгига кириб боришининг олдини олиб, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш Сиз билан бизнинг вазифамиздир.

Мустақиллик йилларида нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими ҳам вужудга келди. Бирин-кетин ташкил этилган қатор хусусий матбуот нашрлари, радиостанциялар ва телеканаллар мамлакат ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаб бормоқда. Бугунга келиб республикамизда мингга яқин газета ва журналлар, радио ва телевидение, агентлик ва интернет тизими фаолият юритмоқда. Уларнинг юздан ортиғи замонавий электрон оммавий ахборот воситаларидир. Бу ҳам мамлакатимизда матбуот эркинлигининг исботи эмасми? Агар эркинлик берилмаганида матбуот нашрларининг сони бу қадар ошмасди, хусусий газета ва журналлар, телевидение ва радиолар фаолият юритмасди.

Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, журналистларнинг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда уларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашув кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловни ўтказиб келмоқда. Бу йил учинчи марта бу нуфузли танлов ғолиблари аниқланиб, айнан Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ғолиблар танлов мукофотлари билан тақдирланадилар. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонда матбуот эркинлигига қанчалик эътибор билан қаралаётганини кўрсатиб турибди.

Матбуот эркинлигининг ва умуман ҳар қандай демократиянинг асосини қонун устуворлиги ташкил этади. Эркинлик матбуотга, журналистларга билдирилган юксак ишонч, юклатилган катта масъулиятдир.

Шундай экан, халқ дарди, ташвиши билан яшаш, Ватан равнақи, мустақилликнинг боқийлиги, тинчликнинг барқарор сақланиши учун кураш ҳар қандай эркин матбуотнинг, шу билан бирга сиз билан бизнинг ҳам асосий бурчимиздир. Чунки, матбуот эркинлиги ҳар биримизнинг эркинлигимиз кафолатидир. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**

***«Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади,» — деган эди Президентимиз Ислом Каримов. Журналистларнинг ушбу талаб даражасида ишлашлари учун мамлакатимизда зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилганидек, ОАВ ходимлари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш, фуқаролар эса ОАВда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён қилиш ҳуқуқини тасарруф этишмоқда.***

# АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда амал қилаётган ОАВ тўғрисидаги қонунлар таҳририятлар, журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди. Жумладан, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида ахборот олиш эркинлиги кафолатлари баён этилган. Чунончи, давлат, жамият ва бошқарув органлари, маҳаллий фуқаролар йиғинлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда фуқароларга қонуний манфаатларига дахлдор ахборотларни ҳавола этишлари шарт.

Касб-кор тақозосига кўра журналист бевосита ахборотлар билан иш юритади. Ахборотларни олиб, таҳлил қилади. Ахборот олиш ҳуқуқи давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдорлар зиммасига журналистнинг оғзаки ёки ёзма мурожаати бўйича ахборотларни тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Журналист давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотлардан фойдаланиб, мақолалар тайёрлайди. Шу билан бирга таҳририятлар ва журналистлар конституцион тузумга қарши, шунингдек, ирқий, миллий адоватни уйғотувчи, киши шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни тарқатганликлари учун қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ОАВ ходимининг бевосита ишига тааллуқли, иш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинган. Давлат журналистга ахборотни эркин олиш ва тарқатишни кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишда унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Бугун ОАВ ходимлари ушбу қонун талабларига мувофиқ тайёрлаётган мақолалари учун зарур маълумотларни, ахборотларни аксарият жойларда беистисно олишаяпти. Бироқ, тажрибада мазкур қонунлардан бехабар мансабдор шахслар асоссиз равишда маълумот беришдан бош тортган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай вазиятларда, қонунда кўзда тутилган сир сақланадиганлардан ташқари, журналист ахборотларни талаб қилиб олишга ҳақлидир.

Қонунда кафолатланган эркин ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи воқеликни холисона ёритишдан ташқари, журналист зиммасига давлат, жамият, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф иш тутмаслик мажбуриятини юклайди. Қонунда ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади. («Ахборот эркинликлари принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси). Фуқаро ҳуқуқ ва манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказадиган ахборотларни бериш рад этилиши мумкин. (10-модда). Айрим фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор этиш, мақолаларда киши шахсиятига тегадиган жумла ва ибораларни қўллаш ғайриқонуний бўлиш билан бирга журналистика этикасига ҳам зиддир.

Ахборот асри номини олган XXI асрда ОАВнинг ўрни беқиёс. Бу жамоатчилик фикрини шакллантирувчи, фуқароларнинг воқеа-ҳодисаларга нисбатан муайян нуқтаи назарларини ифодаловчи ОАВ ходимлари, журналистларнинг ахборотга чанқоқликни қондириш, воқеа, ҳодиса ва жараёнларни ўқувчиларга холис, ҳаққоний етказиш борасидаги масъулиятини янада оширади.

Бугунги кун журналисти амалдаги ҳамда янги қабул қилинаётган барча қонунлар мазмун-моҳиятини ўзлаштириб борсагина, давр билан ҳамнафас ижод қила олади.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**



**Фарзанд Яратганнинг бандаларига инъом этган энг улуғ неъматларидан бири ҳисобланади. 1928 йилнинг 5 май куни чимкентлик Жўра аканинг хонадони ҳам ана шундай инъомга муяссар бўлди. Шу боис бўлса керак, улар чақалоққа Иномжон деб исм қўйишди. Орадан йиллар ўтиб, Тошкент юридик институтига ҳужжат топширган Иномжон, қунт билан ўқишга киришади. 1948 йил унинг учун оғир келди. Отаси тўсатдан вафот этиб, оилани бошқариш ҳам унинг зиммасига тушса-да, ўқишини давом эттирди. 1949 йилдан прокуратура органларига ишга келиб, қарийб қирқ беш йил мобайнида туман прокуратураси терговчилигидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлими бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди.**

# АДОЛАТГА БАХШИДА УМР

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунлар жазо ўташ даврида маҳкумларга тан жароҳати бериб, азоблаш ёки инсоний ғурурни ерга урадиган ҳаракатлар бўлишини қатъий тақиқлайди. Шу сабабли ҳам прокурор назорати нафақат муассасада жазони ўташ тартиби, балки маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етмаслиги устидан ҳам бўлиши лозим.

Шу ўринда Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи Мирзафар Мирсолиҳов айтиб берган, Ином ака Жўраевнинг фаолияти билан боғлиқ бир воқеани келтириш ўринли бўлса керак.

Ином ака ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажарадиган инсонлар тоифасидандир, — дея хотирлайди Мирзафар Мирсолиҳов. — 1986 йили вилоятлардаги икки ахлоқ тузатиш муассасаларида кетма-кет оммавий тартибсизликлар юз берди. Бундай пайтда масъул кишидан вазиятни тўғри баҳолаб, зарур чора-тадбир кўриш талаб этилади. Йўл қўйилган озгина ноаниқлик турли нохушликларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай қалтис бир вазиятда Ином ака ташаббусни дарҳол ўз қўлига олди. Тартибсизликларнинг бошида турганлар билан юзма-юз гаплашиб, аҳволни ўрганди. Унинг ҳолатни баҳолаб, тўғри ҳаракат қилиши натижасида вазият барқарорлашиб, ноҳақ қон тўкилишининг олди олинди.

Албатта, инсонга унинг сафдошларидан ўтказиб баҳо берадигани бўлмайди. Шунинг учун Ином ака ҳақида унинг сафдошларидан яна бири, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Шовдонбек Алаев шундай дейди:

— Мен Ином Жўраевични таниганимга йигирма йилдан ошди. Ином Жўраевич прокуратура органларида қайси масъул лавозимда ишламасин, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндошадиган, масалаларни ҳал этишда шахсий фикрига эга ва шу фикрини асослаб, кези келганда эса уни қатъийлик билан ҳимоя қила оладиган, ўзига ва бошқа ходимларга нисбатан ўта талабчан ходим сифатида биламан.

Кези келганда Ином Жўраевичнинг болаликдан бирга катта бўлган дўсти, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, марҳум Қўрғон Бўрон ўғли Бўроновнинг «Илму маърифатга интилиб» номли китобидан парча келтириб ўтсак, фойдадан холи бўлмас.

«...Дўстимнинг ўзига хос ажойиб фазилатлари бор. Одамохунлик, сахийлик, меҳмондўстлик, меҳроқибатлилик, садоқатни устувор билиш, ота-онага ҳурмат, болажонлик, қатъийлик каби ижобий хислатлари билан ажралиб туради. Ўз қадр-қимматини билади. Серфарзанд ота. Тўғрисўз, бор аччиқ ҳақиқатни одамнинг башарасига айтиб соладиган одати бор. Бу хислати айрим кишиларга ёқмайди, албатта. Миллий анъаналаримизни, урф-одатларимизни ҳурматлаб, уларни оиласи, яқинлари ва дўсту биродарлари билан баҳам кўришга мойиллиги зўр. Бу миллий қадриятларимизни имконияти борича чиройли шакл ва мазмунда амалга оширишга ҳаракат қилади...»

Дарҳақиқат, Ином Жўраевич қаерда, қайси вазифада ишламасин, меҳнатсеварлиги ва касбига фидойилиги боис, эл орасида ҳам, ҳамкасблари орасида ҳам ҳурмат топди.

Шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг касаба уюшмаси раиси вазифасида ҳам самарали меҳнат қилди. Қолаверса, у кишининг малакали кадрларни тайёрлашда ҳам улкан хизмати бор. Ином ака билан ёнма-ён туриб ишлаган ёш мутахассислар бугун тажрибали, кўпчилик эътироф этадиган ҳуқуқшунослар бўлиб етишган.

Ином Жўраевичнинг ажойиб хусусиятларидан яна бири камтарликдир. У кишидан шогирдлари ҳақида сўрасангиз, биринчи галда устози, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори Ғафур Абдумажидовни меҳр билан эслаб, сўнгра мураббийлари Эгамберди Ҳакимов ҳамда марҳум Бек Шерхожаев билан Нўмон Бўриходжаевларни тилга олади. «Ёшларни эса шогирд деб эмас, сафдошларим деб биламан» дея жавоб беради.

Саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони ҳамда «Шуҳрат» медали соҳиби, ўнлаб набираларнинг суюкли бобоси, пиру бадавлат отахон Ином Жўраевич Йўлчиев табаррук саксон ёшга тўлади. Жисмонан тетик, фикран зийрак, кўтаринки кайфиятда яшаётган бу азиз инсонни қутлуғ ёши билан табриклаб, у кишининг доимо соғ-омон бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

**Ғофуржон АЛИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**



# Шифокоримни топдим

Саккиз йилдирки, шу дард билан оғрийман. Охири аҳволим ниҳоятда оғирлашиб қолди: озиб-тўзиб кетдим. Оёқларим ўзимга бўйсунмай қўйди. Ҳасса тутишга мажбур бўлдим. Аҳволимни кўрган Андижон вилоят прокуратураси ходими мени вилоят клиник касалхонасига бошлаб келди ва хуппа семиз, бақалоқ шифокорга олиб кириб:

— Бу киши тиббиёт фанлари номзоди фалончиев бўладилар, — дея таништирди.

Бақалоқ менга бошдан-оёқ разм солиб, «даволаймиз», деди. Шундан кейин касалликни аниқлаш учун дастлабки текширишлар бошланиб кетди: қон текшириш, пешоб анализи, УЗИ аппаратига тушиш ва ҳоказо. Беш кундан кейин шифокор мени ҳузурига чақириб деди:

— Чанқайман, баданим қизийди, дармоним қуриб, юролмай қоляпман, деяпсиз. Буларнинг ҳаммаси қандли диабет касаллигининг белгилари, оқсоқол.

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, қонда қанд моддаси қанча экан?

— Қонингиздаги қанд моддаси тўрт.

— Пешобдачи?

— Унда ҳам тўрт!

— Менга қаранг, — дедим жаҳлимни аранг тийиб, — нима, мени тиббиётдан умуман хабари йўқ, ғирт оми одам, нима десам ишонади, деб ўйлаяпсизми? Агар пешобда қанд моддасининг кўрсаткичи тўрт бўлса биласизми, нима бўлади?

— Нима бўлади?

— Одам ўлади!

Барибир шифокор мени қандли диабет касаллари диспансерига юборди. У жойда ҳаммаси бошидан бошланди: қон, пешоб... Бу жойда ҳам узоқ турмадим. Мени даволаётган хушрўйгина аёл чиройли кўзларини пирпиратиб, кулиб туриб деди:

— Ота, суюнчи беринг!

— Касалимни аниқладингларми? — сабрим чидамай саволга тутдим.

— Ҳа, аниқладик, сизда қандли диабет касали йўқлигини аниқладик. Сиз бизнинг касалимиз эмассиз...

— Унда менинг касалим нима экан?

Аёл елкасини қисди. Менга тасалли бергандай мутахассис шифокорни топиб, унга кўринишим кераклигини айтди.

Охири, эшитма гаплар орқали туманда худди менинг касалим билан оғриётган бир оқсоқолнинг олдига бордим. Унинг аҳволи эса меникидан ҳам оғирроқ экан. Ўрнидан туролмай ётган ҳолда мени кутиб олиб, заиф овозда сўрашди:

— Келинг, ошна! Қандай шамол учирди?

— Касалликнинг шамоли... сиз билан ҳамдард эканмиз.

— Тушунарли, — деди у қуруқшаган лабларини аранг очиб. — Ошна, очиқ айтайми, дардимизнинг давоси йўққа ўхшайди. Бормаган жойим, учрамаган шифокорим қолмади. Беморлар бекорга табиб ва фолбинларга боришмас экан. Шифокорлар дардларига даво топишолмагач, нима қилишсин?! Охирги нажот табибдан-да! Табибга бордим. У қуриган чаённинг думини тоғ олчаси билан қайнатиб ичишни тавсия қилди.

— Фойдаси бўлдими?

— Э, қаёкда дейсиз, баттар бўлдим!

— Энди нима қилдик?

— Нима қилардингиз, нариги дунёга кетишнинг тадоригини кўраверинг!

Ҳамдард ошнамнинг олдидан ниҳоятда кайфиятим бузилиб чиқди. Уйга келиб, «нариги дунёнинг тадоригини кўриб» бутунлай ётиб қолдим. Бир куни ўғлим Нозимжон кириб келиб, мени Қувадаги касалхонанинг бош шифокори Икромжон Ҳасановнинг олдига олиб боришини айтди.

Мен ундан ўзини ҳам, мени ҳам бекорга уринтирмаслигини сўрадим. Ўғлим эса мени барибир ўрнимдан туришга ва у билан бирга касалхонага боришга мажбур қилди. «Ўзим суяб оламан», деб қўлимга ҳассамни ҳам олишга имкон бермади. «Тико»га ўтирдик-да, Қувага равона бўлдик. Шаҳарнинг чеккасида жойлашган оддийгина касалхонага етиб келиб, бош шифокорнинг қабулига кирдик. Қорачадан келган, басавлат бир йигит бизни кутиб олди. Аҳволимни сўради. Ичимда эса «сен ҳам авволги ҳамкасбларинг кабидирсан» дея саволларига совуққина жавоб бердим.

— Вақти-вақти билан қизийсизми? Товонингиз ҳам қизийдими?

Бирдан юрагимнинг бир чеккасида умид учқунлари пайдо бўлди. Демак, менинг касалимни билар экан.

— Ҳа, топдингиз!

— Қани, кетдик, — деди у пайсалга солмай. — Мен сизни УЗИга олиб бориб, ўзим кўраман.

Қайтиб чиқиб, УЗИ маълумотномасини кўриб деди:

— Ота, сизни Фарғонага олиб бораман. Вилоят касалхонасида менинг устозим бор. Ўша киши билан маслаҳатлашиб, кейин муолажани бошлаймиз.

Ажабо! Бу ердаги шифокорларнинг ҳаммаси шу қадар ширинсухан, меҳрибон эканларки, у киши худди меҳмонни кутиб олгандек хушмуомалалик билан бизни кутиб олди.

— Бўлди, ота, ташқарида дамингизни олиб, ўтириб туринг, — деди.

Юрагимда яна ғашлик бошланди. Бу ҳам «қанд» касалига чиқарса-я?!

— Бўлди! — деди у. — Касалингизни аниқладик. Энди вилоят Онкологик диспансерига бориб келамиз!

Юрагим шув этиб, музлаб кетди. Худо урди, дегани шу бўлади! Демак, рак эканман! Ҳамдард оқсоқолнинг гапи эсимга тушди: «Нима қилардингиз, ошна, нариги дунёнинг тайёргарлигини кўраверинг». Машинада бир зумда етиб келдик. Тўрт қаватли бино кўзимга Андижон турмасини эслатди. Наҳотки, охирги етган жойим шу бўлса?!

— Ота, — деди Икромжон. — Нега кайфиятингиз бузилиб кетди? Бу ерда ҳам менинг устозим бор!

Яна УЗИга солиб кўришди.

— Тўғри ташхис қўйгансиз: ошқозон ости безининг сурункали шамоллаши. Безнинг устидаги шиш эса «доброкачествинни», яъни зарарсиз. Даволаш жараёнида йўқолиб кетади.

Бу ердаги шифокорларнинг бир одатига тан бердим. Улар бир-биридан ўзларини устун қўйишмас экан. Баъзи жойларда врачлар бир-биридан маслаҳат сўрашга ор қилишади. Яна бир гап, мен умримда беморни етаклаб ҳали у, ҳали бу касалхонага, анализларга ўзи олиб борган шифокорни биринчи маротаба кўришим. Ахир икки ўғлим Авазбек ва Нозимжонлар туришибди-ку! Уларга, айтилган жойларга обориб, текширувлардан ўткизиб келинглар, деса бўлмасмиди. Камтарлик, ўз ишига фидойилик, касбга садоқат, билимдонлик ҳаминқадар. Мана, дарддан халос бўлдим. Ҳассам ўша жойда қолиб кетди. Йўл-йўлакай ўрнидан тура олмай ётган оқсоқолнинг олдига кириб:

— Туринг ўрнингиздан! — дедим. — Нариги дунёга боришга ҳали эрта. Мен шифокоримни топдим!

Ўғилларим Авазбек ва Нозимжонлар билан бирга кетар эканман, мени оёққа турғизиб, қайта ҳаётбахш этган ажойиб, меҳрибон кишилар бир-бир кўз олдимга келди.

«Амаки, нима камчиликларингиз бор? Бирон жойингиз оғриётгани йўқми? Чойингизни янгилаб берайликми?» дея атрофимда навбатма-навбат парвона бўлган ҳамширалар Хатичахон Зияева, Малоҳатхон Дадажонова, Гулноза Умарова, Элмирахон Тўйчиеваларни унутиб бўладими? Тез-тез хабар олиб турган бўлим бошлиғи Ёқубжонни-чи?

Бу каби инсонлар икки дунё кам бўлмайдилар. Демакки, дунёни ушлаб турган яхши одамлар бор экан, ҳаёт завқли ва шавқли бўлиб бораверади.

**Назир РАҲИМОВ,**
**прокуратура фахрийси**

# ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

2005 йилнинг ноябрь ойи. Қиш эшик қоқиш арафасида бўлгани боис, «Отчопар» буюм бозори қишки кийим дардида келганлар билан гавжум. Бекорчиликдан каллайи саҳарлаб бозорга келган Равшан (исм-шарифлар ўзгартирилган) турли-туман молларни томоша қилганча, бозор айланиб юра-юра зерикди. Энди бозордан чиқиш томон юрган ҳам эди, целлофан пакетни қўлтиқлаб кетаётган аёлга кўзи тушди. Бир эмас, тўрт марта қамалиб чиққан йигит пакетдаги нарса пул эканлигини дарҳол фаҳмлаб, унинг орқасидан тушди. Аммо ҳадеганда пулни билдирмай олишнинг имконини топа олмади. Шунинг учун таваккал қилиб, аёлни таъқиб этишни давом этди. Бир маҳал аёл пештахтага яқинлашиб, сотувчи билан гаплашди-да, хаёл билан пакетни унутиб қолдирди. Унинг орқасидан изма-из келаётган Равшан шу заҳоти пакетни олди-да, ўзини одамлар орасига урди. Четроққа чиқиб, пакетни очди. Паспорт билан бор-йўғи икки минг сўм пул бор экан. Ҳафсаласи пир бўлган Равшан паспортни бир четга улоқтириб, «борига барака» дея пулни чўнтагига тиқди-да, бозордан чиқиб кетди.

Орадан уч-тўрт ой ўтгач, март ойининг бошларида «Карвон» бозорига йўл олган Равшан, четда туриб одамларни кузата бошлади. Бир маҳал ўрта ёшлардаги аёлнинг нарса харид қилиб, қолган пулни сумкасига солганини кўриб қолди. Аёл одамлар гавжум жойга келганда, пайт пойлаб туриб, сумкадан ҳамённи олди-ю, жуфтакни ростлади. Хавфсиз жойга ўтиб, пулларни санаб кўрди. 25 минг экан. Ушбу пул бор-йўғи беш кунга етди.

Олтинчи куни эрта билан Навоий кўчасида пайдо бўлган Равшан анчагача дўконларни айланиб юрди. Бир маҳал шовқин-сурон эътиборини тортди. Қараса, боя ўтганида тўдаланиб турган йигитлардан иккитаси ўзаро сан-манга бориб қолишибди. «Текин томоша» топилди дея, уларга яқинлашиб, қулоқ солди. Уяли телефонга харидор йигит билан уни сотмоқчи бўлган йигит жанжаллашиб қолган экан. Шу пайт телефон сотувчи гаплашиб олиш учун харидорни четга тортиб қолди. «Телефон олмоқчи бўлдими, ёнида соққаси бўлиши керак». Бошқалар каби уларга эргашган Равшан, шуларни ўйлар экан, иложи борича харидорнинг ёнида бўлишга ҳаракат қила бошлади. Рақиблар бир-бирларини ёқаларидан олиб, силтай бошлаганларида, у гўё уларга урилиб кетгандай бўлди-ю ҳеч кимга сездирмай харидорнинг куртками чўнтагида дўппайиб турган нарсани олишга муваффақ бўлди.

Шу куни Равшан уйига хурсанд қайтди. Бир зумда 200 минг сўмлик бўлади-ю хафа бўладими?

Шу воқеадан кейин Равшан ярим йилча тинч юрди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек Ринат исмли таниши билан Сергелига йўл олган Равшан, «Кийим-кечак» бозорида чўнтагидан телефон кўриниб турган йигитни кўрди-ю тинчи бузилди. Шоша-пиша Ринатни режасидан воқиф этиб, ўзи олдинга ўтиб кетди. Нарироқ боргач, орқасига қайтди. Уларга рўпара бўлганида келишилганидек Ринат «ўлжа»ни елкаси билан туртиб ўтди. Худди шу пайт Равшан телефонни занжиридан ушлаб суғурди-ю, ўзини четга олди. Аммо у ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, йигит сезиб қолди. Равшан тутқич бермагач, гумон қилиб Ринатни ушлаб олди.

— Телефонимни сиз олдингиз, ака. Қайтариб беринг, — деди ҳаяжонланганча.

— Бақирма, укам. Юр, бозордан чиқайлик. Гаплашиб оламиз, — Ринат секингина шундай деб, ташқарига йўл олди. Йигит унга эргашди. Бозордан чиқишгач, Ринат йигитга ичкарини кўрсатди:



— Ҳув анави, костюм сотаётган аёлни кўрдингми? Телефонингни ўшанга бериб қўйдим. Борсанг қайтариб беради.

Ринат бу гапларни шунақанги ишонарли қилиб айтдики, жабрдийда унга бошқа осилмай, ўша аёлнинг ёнига кетди. Бироқ, у ерга келгач, алданганини сезиб қолди-ю орқасига ўгирилиб, Ринатни қидира бошлади. Бу пайтда Ринат ҳам Равшаннинг орқасидан жуфтакни ростлаган эди.

Эртасига Равшан «Янгиобод» бозорига бориб, телефонни нотаниш шахсга 90 минг сўмга сотиб юборди. Уйига қайтгач, Ринат билан учрашиб, унга ўша пулдан 40 минг сўмини тутқазди.

Йигирма кунлардан кейин Равшан бир таниши билан учрашиш мақсадида Ринатни ёнига олиб, яна Сергелига йўл олди. Келишилган жойда танишини анча кутишди. Келавермагач, Ринатнинг қистови билан Равшан бозорга кириб телефон қилиб чиқаётганида, дўкон ёнида турган йигитнинг нимчаси чўнтагидан кўриниб турган телефонни кўриб қолди. Начора, яна ўзини тутиб туролмади...

У Ринатнинг ёнига тез келдида, шоша-пиша «кетдик» деб имо қилди. Йўлга чиқишгач, йўловчи машина тўхтатишди. Машина ўрнидан қўзғалгандагина Равшан чўнтагидан ҳозиргина ўмарган телефонни олиб, Ринатга кўрсатди.

— Қани? И-е, «Сони Эриксон»ми? Қаердан олдинг? Сенда бунақаси йўғиди-ку! — ҳайронлигини яширмади Ринат.

— Бозордан чиқаётганимда қарасам, биттаси турибди. Чўнтагида эса манави «мени ол» деб ҳиққилавотди. Нима қилишим керак эди? Райини қайтаргим келмади. Шундоқ қўлимни чўздим-у... Кўнглим бўшлигини биласан-ку! Ҳе-ҳе-ҳе...

— Боплабсан.

— Ма, эртага сотиб, пулини олиб келасан, — деди Равшан телефонни Ринатга берар экан...

Телефон эгаси уйига келгачгина аппаратини ўғирлатиб қўйганлигини билиб қолди. Шу заҳоти ўзининг рақамига қўнғироқ қилди.

— Эшитаман.

— Телефоним сенда экан. Қайтариб берсанг, 20 доллар оласан.

— Яхши. Эртага бозорнинг кириш дарвозасига келиб тур. Телефонингни оласан.

Бундай гаплардан телефонини олишга юз фоиз ишонган жабрдийда эртаси куни бир неча соат дарвоза олдида қаққайиб турди. Бу пайтда Ринат телефонни аллақачон янги эгасига 180 минг сўмга пуллаб юборган эди.

Айтмоқчи, бу воқеалардан бир ярим ойча бурун, 91-автобусга чиққан йўловчи аёл ҳам уйига келгач, уяли телефони йўқолганини билиб қолди. Бироқ у ҳам бу ишни Равшан бажарганини билмасди.

«Кўза кунда эмас, кунида синади» деганларидек, Равшан билан Ринат охир-оқибат қўлга тушишди. Сўнгги «операция»дан уч кун ўтгач, «костюм сотувчи аёл»дан телефонини сўраб, чув тушган йигит оғайниси билан кетаётганда бекатда турган Ринатни учратиб қолади. Шу заҳоти уни ушлаб, туман ИИБга олиб келишади...

Бир жабрдийданинг ҳушёрлиги туфайли, яна қанча фуқарони қақшатиши мумкин бўлган кимсаларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди жиноятчиларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади.

**Зикрилла РАСУЛОВ,**
**Сергели туман прокурори**

# Хорижни қилма орзу...

Муқаддам икки бор судланган Роҳила Маҳмудова (баъзи сабабларга кўра исм-шарифлар ўзгартирилди) учун ор-номуснинг сариқ чақалик қадри қолмаган эди. Оилали, 4 нафар фарзанди бўлса-да, жирканч ишлардан тийилмади. Кейинги вақтлардаги бирдан-бир орзуси, ҳали турмуш қурмаган қизи Мунисани чет элга юбориб, пул ишлаш бўлиб қолган эди.

Бир таниш аёлнинг қизи Бирлашган Араб Амирликларида яшаб, ишлаётганини эшитиб қолди. Н.исмли ўша аёлнинг ҳузурига бориб, дийдиёсини бошлади:

— Жон опа, қизимни Дубайга боришига ёрдам қилинг. Жуда қийналиб қолдик. Қандай иш бўлса ҳам бораверади. Бир яхшилик қилинг...

Н.нинг ҳам унга ёрдам бергиси келди. Бир амаллаб Мунисани Дубайга юборишнинг уддасидан чиқишди. Шундай қилиб, Муниса хорижда тан сотиб, пул топа бошлади. Қарийб олти ойча шу жирканч иш билан шуғулланди.

Нафс ботқоғига ботган Муниса ҳирс бандаси бўлган бир араб йигити билан бир куни сайрга чиққанди. Йўлдаги ифлос ишлари Яратганга ёқмади шекилли, автоҳалокатга дучор бўлишди. Дубай шаҳрининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари пачоқ машина ичида ётган Мунисанинг шахсини суриштиришди. Унинг бу ерга ноқонуний йўл билан келганлиги аниқланиб, БААдан чиқариб юборилди.

Қизининг кутилмаганда қайтиб келиши Р.Маҳмудовага қаттиқ алам қилди. Мўмай даромаддан бебаҳра қолган она яна бир қабиҳ режа туза бошлайди. У энди қизини Дубайга жўнатишга ёрдамлашган аёлдан пул ундирмоқчи бўлади.

— Шундай қилсак, осонгина катта пул ишлаб оламиз, — деди у қизига. — Уни қўрқитсак бўлди, айтганимизни беради.

2006 йилнинг бошларида Р.Маҳмудова Н.ни топиб, дағдаға қила кетди:

— Сен қизимни алдаб Дубайга юборгансан. Қизим фоҳишалик қилишга мажбур бўлган. Агар 6 минг доллар бермасанг, устингдан прокуратура ёки милицияга арз қилиб, қаматтириб юбораман. Яхшиликча айтган пулимни бер!

Н. ҳам анойилардан эмас эди.

— Қизингни мен мажбурлаб жўнатганим йўқ. Ўзинг оёқ тираб туриб олдинг. Ёрдам бердим. Сендан бир тийин ҳам қарзим йўқ, — деб туриб олди.

Мўмай пул топиш режаси амалга ошмай қолган Р.Маҳмудова Н.нинг устидан, қизини шаҳвоний ниятда алдов йўли билан хорижга юборганлиги ва 6 минг доллар миқдоридаги пулларини бермаётганлиги хусусида Фарғона вилоят ИИБга ариза берди. Мазкур ариза Фарғона шаҳар ИИБ бўлинма бошлиғи томонидан ўрганилди. Р.Маҳмудова агар аризани ижобий ҳал этиб, Н.дан мўлжалланган пулни ундириб берса, уни «қуруқ қўймаслигини» айтади. Ўз бурчига содиқ бўлган ИИБ ходими бу ҳақда вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат этди. Фуқаро Н. ҳам Р.Маҳмудованинг ўзига қилаётган хатти-ҳаракати юзасидан вилоят ИИБга ариза берган эди.



Юқоридаги аризалар юзасидан тадбир ўтказилди. Н. Фарғона шаҳрининг белгиланган жойида Р.Маҳмудовага махсус ишланган 2 минг долларни берди. Р.Маҳмудова жиноий фаолиятини давом эттириб, шу пулдан 200 долларини милиция ходимига пора тариқасида бераётганида ушланди...

Аёл номи ҳар қандай жамият ва замонда мағрур янграйди. Шундай улуғ ва муқаддас зотлар ичида онда-сонда бўлса-да, юқоридагидек адашган, билатуриб ўзини лаънат чоҳларига отаётганлар ҳам бор. Тўғри, бундайлар аёлларимизнинг шаънига доғ тушира олмайди, лекин барибир дилда оғриқ уйғотади.

**Миржамол СОДИҚОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси катта терговчиси.**
**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ, журналист**

# ЗЎРАВОНЛАР

Ҳар доимгидек бугун ҳам Т.Олимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўз автомашинасида Самарқанддан Тошкентга йўловчи олиб борди. Лекин қиш бўлганлиги учунми нимагадир қайтишга одам топилавермади. Совуқдан дийдираб, тезроқ қайтиш ниятида «Самарқандга кетамиз», деб бақириб турган бир пайтда, Т.Олимовнинг олдига учта нотаниш йигит яқинлашди. Улар Самарқандга боришларини айтиб, йўл ҳақини савдолашмасдан ҳам машинага ўтириб олишди.

— Бўлди, ўтиратуринглар. Мен яна бир киши... — ҳайдовчи гапини тугатолмади.

— Эй, шопир ака, тезроқ ҳайдамайсизми? — деди улардан бири.

— Ие, яна бир киши олмасам бўлмайди-да, — деди у.

— Ҳайданг, ўша бир кишининг ҳам пулини ўзимиз берамиз, — дейишди йигитлар.

Ҳайдовчи рулга ўтирди. Шу пайт шошилганча бир аёл келиб қолди. Уни ҳам машинага олишди. Нексия йўлга чиқди. Бу пайтда атрофни қоронғулик чулғай бошлаган эди. Адоғи йўқдек туюлаётган бу йўлда машина қора тунни кесиб, ўқдек учиб борар, йўловчилардан бирортаси ҳам радиодан таралаётган шўх қўшиққа эътибор бермасди. Ҳайдовчи билан аёл тезроқ уйига етиб олишни ўйлаётганди. Лекин, орқа ўриндиқда ўтирган учала йигит нимадандир безовта кўринарди. Машина Булунғур туманига кириб келганда соат кечки саккиз яримлар эди. Шу пайт орқада ўтирган йигитлардан бири ҳайдовчига икки минут машинани тўхтатишини илтимос қилди. Машина тўхтагач, у дабдурустдан рулда ўтирган Т.Олимовни машинадан суғуриб, дўппослай кетди. Бундай бўлишини умуман хаёлига ҳам келтирмаган ҳайдовчи шошиб қолди. Бу пайтда иккинчи йигит ҳам машинадан тушиб, шеригига қўшилди. Ичкарида қолган учинчи йигит эса аёлга пичоқ тираб:

— Қани, чиқаринг-чи борингизни, — деди.

Қўрқиб кетган аёл ёнидаги видеокамераси, уяли телефони, чарм курткаси ва бўйнидаги тилло занжирини берди. Қолган икки зўравон эса ҳайдовчи чўнтагидаги 55 минг сўм пулини тортиб олиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлашди.

Воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Тергов натижасида бу зўравонлар Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи Искандар ва Файзулло Неъматов ҳамда Ангор туманида истиқомат қилувчи Олмос Нарзиевлар эканлиги аниқланди.

Жиноят жазосиз қолмаганидек, бу учовлон ҳам ўз қилмишлари учун жавоб беришга мажбур. Энди улар умрларининг бир қисмини қамоқда ўтказишга маҳкум.

**Норқўзи ҒАНИЕВ,**
**Булунғур туман прокурорининг ўринбосари**



## ТАРИК АЗИЗ СУДГА ТОРТИЛДИ

29 апрель куни Ироқда Саддам Ҳусайн даврида бош вазир ўринбосари ҳамда ташқи ишлар вазири лавозимларида ишлаган Тарик Азиз устидан суд жараёни бошланди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Азиз 1992 йилда Ироқ Қувайтга бостириб кирганлиги учун БМТ томонидан қўйилган халқаро санкциялар шароитида, озиқ-овқат нархини оширишга ҳаракат қилган 42 та тадбиркорнинг қатл этилишига алоқадорликда айбланмоқда. Савдогарлар жиноят устида улгуржи бозорларда ушланиб, бир неча соатдан сўнг қатл қилинганлар. Тарик Азиз ўзига қўйилаётган барча айбловларни рад этмоқда. Саддам Ҳусайн издошлари устидан ўтказилган аввалги суд жараёнида Тарик Азиз фақат гувоҳ сифатида қатнашганди. Бу сафар қора курсида у билан бирга яна олтита одам ўтирибди. Булар ичида Саддам Ҳусайннинг укаси Ватбан Иброҳим ал-Ҳасан ҳамда Ироқ Марказий банкининг собиқ раҳбари Иссам Мула Хавиш ҳам бор.



## ЯНГИ САЙЛАНГАН СПИКЕР

Италиянинг янги сайланган бош вазири Сильвия Берлусконининг яқин издошларидан бири Ренато Шифани мамлакат сенатига спикер этиб сайланди. Сайловлардан аввал, Шифани сўлчилар ҳамда ўнгчилар ўртасида мувозанат сақлаб туришга ваъда берган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, сайловлар натижасига кўра у 178 та овоз тўплаган. Олдинги икки чақирувда Шифани Берлускони бошчилигидаги «Forza Italia» партиясининг парламент фракциясига етакчилик қилган. Апрелнинг ўрталарида Италияда янги парламент сайланган. Ундаги аксарият ўринларни Сильвия Берлускони блоки вакиллари эгаллашди. Бош вазир Романо Проди истеъфога чиққач, сенат спикери Франко Марини муваққат ҳукумат шакллантира олмаган, шундан сўнг аввалги парламент тарқатиб юборилганди.




## Полициядан чиқиб, қотилга айланди

**АҚШнинг Калифорния штатидаги Торранс шаҳрида яшовчи фуқаро (исм-шарифлар сир тутилган) душанбадан сешанбага ўтар кечаси ўз оиласини ўқ отар қуролдан отиб ташлаган ва шундан сўнг ўз жонига қасд қилган. «The Los Angeles Times» ахборот агентлигининг хабар беришича, қотилликдан саккиз соат олдин маҳаллий полицияга бир аёлдан ариза тушади. Унда аёл эри уни доимо уриб, ҳақорат қилишини ёзиб, қонуний томондан бу масалани ҳал этишда кўмак беришни сўрайди. Полициячилар муштумзўрни ушлаб, рафиқасига яқинлашмаслик тўғрисида огоҳлантирадилар. Қўйиб юборилгач, жанжалкаш эр тўғри уйига келиб, қўлига милтиқни олиб, аввал турмуш ўртоғи, кейин эса қайнонаси ва ўзининг беш ёшли ўғлини отиб ташлайди. Шундан сўнг, қотил ўз жонига қасд қилган.**



## ЛСДнинг «отаси» ўлди

ЛСД (диэтиламид лизергин кислотаси) наркотик моддаси тўғрисида эшитмаган одам бўлмаса керак. «Maps.org» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни айни шу наркотик моддани кашф қилган олим, швейцариялик кимёгар Альберт Хофманн 102 ёшида Базелдаги уйида вафот этди. Галлюцинация ва руҳиятда ўзгариш, шунингдек реал воқеликни ҳис этишда англашувларни келтириб чиқарадиган ЛСД препарати олим томонидан илк бор 1934 йилда тасодифан яратилган эди. Ўша вақтда Хофманн лизергин кислотаси билан боғлиқ турли тадқиқотлар ўтказаётганди. Лекин унинг наркотик хусусиятларини кимёгар 1943 йилга келиб билиб қолган. Бу сафар ҳам Хофманн тасодифан ўз кашфиётини истеъмол қилиб кўради ва унинг наркотик хусусиятларини аниқлайди.

1950 йиллар ва 1960 йиллар бошида ЛСД АҚШ ва Буюкбританияда руҳий хасталикларни даволашда дори воситаси сифатида кенг қўлланилган. Бироқ, 1965 йилга келиб, «Sandoz Laboratories» фармацевтик компанияси уни ишлаб чиқаришни умуман тўхтатади. АҚШда мазкур препаратни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишни ман этиш тўғрисида қонун чиқади. Ҳаётининг сўнгги йилларида Хофманн Швейцария ҳукуматидан ЛСД устида тиббий экспериментларни ўтказишга рухсат олди. Лекин, ўз режаларини амалда жорий этишга улгурмади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2007 йилда Буюкбританияда ўтказилган сўровномага асосан «Synetics» компанияси томонидан чоп этилган ҳозирда яшаб келаётган даҳолар рўйхатида Альберт Хофманн биринчи ўринни эгаллаган.

## МАҲАЛЛАЧИЛИКМИ ЁКИ ҚУЛАЙЛИККА ИНТИЛИШМИ?



Латвия министри шахсий ҳайдовчисини ўзига маслаҳатчи қилиб ишга олди. «Novo News» ахборот агентлигининг хабар беришича, бундан буён вазир Норманд Броксга унинг маҳалладоши ва ҳайдовчиси Дайнис Портной ёрдамчилик қилади. Латвия қишлоқ хўжалиги академиясини тамомлаган Портной эндиликда режалаштириш ва инфратузилмани яхшилаш масалалари билан шуғулланади. Янги маслаҳатчининг маоши 225 латни (320 АҚШ доллари атрофида) ташкил этади. Портной ҳайдовчи вазифасидан озод этилмаган. У аввалгидек, «Nams FM» давлат компаниясидаги ҳайдовчилик касбини ҳам янги иши билан бирга ўриндошлик асосида давом эттираверади. Норманд Брокснинг таъкидлашича, қўл остингда бундай ёрдамчи бўлиши жуда қулайдир, чунки ишдаги барча муаммоларни автомашинанинг ўзида муҳокама қилса бўлади, масалан тиқилинчда қолиб кетилганда.



## Эҳтиёт бўлинг, денгиз қароқчилари!

Сўнгги кунларда ер шарининг турли томонларида икки маротаба тиш-тирноғигача қуролланган денгиз қароқчиларининг савдо кемаларига босқинчилик қилиш ҳолати кузатилди. Халқаро денгиз бюросининг қароқчилик тўғрисида хабар бериш маркази раҳбари Ноэл Чунгнинг маълум қилишича, биринчи ҳолат 25 апрель куни Малайзия сувларида рўй берган. Тезюрар катерда ҳаракатланаётган саккиз нафар қуролланган қароқчилар авиацион ёнилғи ташийдиган Таиланднинг «Pataravarin 2» номли танкерига ҳужум қилишган. Капитанга жароҳат етказиб, кема кассасини «тозалаб», жуфтакни ростлашган. Кема Сингапур қўлтиғи орқали Таиланднинг Пхукет портига йўл олганди. Чунгнинг қайд этишича, жорий йил бошидан Малайзия сувларида бундай воқеа иккинчи бор рўй беришидир.

Худди шундай жиноят Аден кўрфазининг Сомали қирғоқлари яқинида содир этилган. Иккита тезюрар катерда бўлган, тахминан ўнта қароқчи пулемёт ва реактив гранаталар ёрдамида қирқ минут давомида Жанубий Кореянинг юк ташувчи кемасини ўққа тутишган. Кемага жиддий зиён етказилганлигига қарамай, капитаннинг маҳорати боис қароқчилардан қутилиб қолишга эришилган ва кема Европага йўлини давом эттирган. Марказ бошлиғининг гапига қараганда, 2008 йилда Аден кўрфазида қароқчилар фаоллашгани кузатилган. Жорий йилнинг январидан бери бу ерда 13 та айни шундай жиноятлар кузатилган. Деярли йигирма йил давом этаётган Сомали ҳукуматининг ҳаракатсизлиги ва бепарволиги боис мазкур давлат ҳудудий сувлари дунёдаги энг хавфли жойлар сифатида эълон қилинган. Халқаро денгиз бюроси маълумотларига кўра, 2008 йилнинг биринчи чорагида қароқчиларнинг кескин фаоллашуви кузатилган. Умуман олганда жорий йил бошидан дунёда 49 та қароқчилар босқинчилиги қайд этилган. Ўтган йилнинг 12 ойида эса бундай жиноятлар сони 41 тани ташкил этганди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



## Умрбод қамоқ жазоси берилди

Буюкбританияда 20 ёшли қизни уриб ўлдирган ва унинг 21 ёшли дўстини калтаклаган бир гуруҳ ўспирин устидан суднинг сўнгги ҳукми ўқилди, деб хабар қилади «The Daily Telegraph». Таъкидлаш жоизки, жиноятчилар жабрланувчиларга «тайёр» мода усулида кийиниб олганлари учун ҳужум қилишган. Қайд этиш лозимки, моданинг мазкур услуби бошқаларидан сезиларли фарқ қилмайди. Суднинг ҳукмига кўра, жиноятчиларнинг икки нафари 16 ёшли Райан Херберт ва 15 ёшли Бренден Харрис умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган. Яна уч нафар муштумзўр эса қотиллик эмас, балки калтаклаш жиноятида айбдор деб топилиб, уларга тўрт йилдан беш йилгача бўлган қамоқ жазоси тайинланган.

Мазкур жиноят 2007 йилнинг августида Ланкашир графлигида содир этилганди. «Тайёр» мода усулида кийинган Роберт Малтби ва Софи Ланкастер истироҳат боғида сайр қилиб юрганларида, уларнинг олдига тажовузкор руҳдаги бир гуруҳ ўспирин келиб, уларни ҳақоратлай бошлайди. Ўз навбатида йигит ҳам уларнинг гапига жавоб қайтаради. Натижада улар муштлашиб кетишади. Ўз дўстини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган Софи ҳам жиноятчилар томонидан қаттиқ калтакланади. Оқибатда 13 кундан кейин Софи Ланкастер етказилган жароҳатлардан касалхонада ҳаётдан кўз юмади. Суд жиноятчилар жабрланувчилар билан олдиндан таниш бўлмаган, ҳужум қилинишига эса уларнинг ташқи кўриниши сабаб бўлган деган хулосага келди.

## Наркобарон йўқ қилинди



Колумбия мудофаа вазири Хуан Мануэль Сантоснинг баёнот беришича, мамлакат шимолида полиция томонидан ўтказилган махсус операция чоғида Колумбияда «биринчи рақамли жиноятчи» ҳисобланмиш наркобарон Мигель Анхель Мехия йўқ қилинган. Мехиянинг ушланишида кўмаклашганлик учун АҚШ 5 миллион доллар миқдорида мукофот таклиф қилганди. Сантоснинг айтишича, Мехия билан бирга унинг икки тансоқчиси ҳам ўлдирилган.

АҚШ давлат департаментининг ахборотномасига қараганда, Мигель Анхель Мехия ва унинг укаси Виктор 1990 йиллар охиридан бери АҚШ ва Европа давлатларига Колумбия кокаинини етказиб бериш билан шуғулланиб келишган. Мутахассислар ҳисобича, икки йил ичида ака-укалар 68 тонна наркотик моддаларни ўтказишга эришганлар. 2003 йилга келиб эса АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ўтказилган махсус операция натижасида ака-укалар жиноий уюшмаси тарқалиб кетган. Лекин, шундай бўлсада, улар бошқа жиноий уюшмалар орқали наркотиклар билан савдо қилишни давом эттиравеpишган. Бундан ташқари, улар АҚШда террористик ташкилот сифатида тан олинган «Autodefensas Unidades de Colombia» ҳарбийлашган гуруҳ билан ҳам дўстона алоқада бўлишган, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.

## ГЭСдаги портлаш

**Венесуэладаги энг катта гидроэлектростанцияда рўй берган портлаш натижасида мамлакатнинг деярли ярми бир неча соатга электр энергиясисиз қолди. «CNN» телеканалининг хабар беришича, мамлакатнинг шимоли ва марказидаги 16 штатларнинг электрсиз қолишига сабаб бўлган портлаш, кучли жазирама ва станция ускуналари кўзда тутилган меъёрдан ортиқ ишлаётганлиги натижасида рўй берган. Таъкидлаш керакки, бир неча соатлик узилишнинг ўзида иқтисодиётга жиддий талофат етган. Сал қолса фавқулотда вазият жорий этиларди. Шифохоналар заҳира генераторларига ўтишган, ўт ўчирувчилар эса лифтларда қолиб кетганларни қутқариш билан овора бўлишган. Бундан ташқари, электр қуввати йўқлиги сабабли метрополитен ва электрда ҳаракатланувчи барча транспорт воситалари ўз ишини тўхтатган.**

**Гури гидроэлектростанцияси жаҳондаги ГЭСлар ичида катталиги ва электр ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Унинг қуввати 10200 МВт ташкил этади. Бу эса Россиядаги энг катта Саяно-Шушенск гидроэлектростанцияси қувватидан икки баробар кўпдир. Мазкур ГЭС Венесуэлада сарф қилинадиган энергиянинг бешдан тўрт қисмини ишлаб чиқаради.**



## Зимбабвега қурол сотманг

Европа Иттифоқи давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Люксембургда бўлиб ўтган учрашувида улар Зимбабвега нисбатан халқаро қурол эмбаргосини жорий этишга чақирдилар. Мазкур ташаббус Буюкбританиядан чиққан. Европа Иттифоқи, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ҳам 29 мартда бўлиб ўтган парламент ва президентлик сайловларидан сўнг қурол-яроғ Зимбабве раҳбарияти томонидан сиёсий қатағонлар қилишда қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Зимбабведа ўтказилган президентлик сайловлари натижалари ҳамон эълон қилинмаган. Бу ҳолат мухолифат томонидан кескин танқид остига олинмоқда. Уларнинг таъкидлашича, Роберт Мугабе сайловларда мағлубиятга учраган. Европа Иттифоқи Мугабе ҳукуматига мурожаат этиб, сайловлар натижасини тезда эълон қилишни талаб қилди. Парламент сайловлари натижаларига кўра мухолифат кўпроқ ўрин эгаллашга муваффақ бўлган. Бироқ, шундан сўнг овозларни қайта, ҳисоблаш жараёни бошланиб кетди. Бу ҳолатни ҳам мухолифатчилар ҳукуматнинг зўравонлиги деб баҳолади.

**«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

# Адоват




Бехос эшик қўнғироғи мусиқа чалди. Уйқуси қочиб, тўлғониб ётган Холбек тўнғиллаб, шиппагини оёғига илди. Тунги халатини елкасига ташлаб, шошмай даҳлизга чиқди. Эшикни очган заҳоти кутилмаган меҳмон ўзини ичкарига урди.

— Ичгани бирон нарсанг борми?

— Ҳа, ярим кечаси ит қувгандай...

— Ичим ёняпти!

Даҳлиз ёруғида Холбек унга яхшироқ разм солди. Оқ оралаган сочлари тўзғиган, кўкиш кўзлари олазарак, пешонаси қизғиш доғ, кўйлагининг енги ҳам. Оғзидан ароқнинг қўланса ҳиди анқийди.

— Нега серраясан? Кўрмаганмисан?!

— Юр, юравер...

Холбек уни ошхонага бошлади. Музлатгичдан ярмигача бўшаган шишани олиб, пиёлани тўлдирди. Қаҳҳор қўллари қалтираб симиркан, пиёладаги ароқнинг ярмини кўксига тўкиб юборди. Кўзларини юмиб, афтини буриштирди. Бирданига худди чаён чаққандай қалқиб ўрнидан турди-да, деразанинг пардасини сал очиб, ўғри мушукдай пастга мўралади. Чироқлар чала-чулпа ёритган кўча кимсасиз эди. Оқ «Мерседес»нинг усти шуъладан ялтирарди.

— Мунча типирчилайсан? Тинчликми?

Қаҳҳор ўнг кафти билан пешонасини ғижимлади. Унинг вужуди титради.

— Ёлғизмисан? — у Холбекка шубҳаланиб тикилди.

— Биласан-ку, бўйдоқлигимни...

Қаҳҳор ишонқирамай меҳмонхонага, сўнгра ётоқхонага кирди. Курсида ғижимланиб ётган аёллар халатига кўзи тушди. Бўйдоқнинг ётоғида...

— Эй, катта холангни уйими, бу?! — Холбекнинг дарғазаб овози хаёлини чалғитди. — Нега ҳаммаёқни титкилаяпсан?!

— Кечир... Ўзимам билмайман... Қутқар! Ёрдам бермасанг, тамомман! — дея Қаҳҳор курсига беҳол чўкди.

— Нима гап, ўзи? Мундоқ одамга ўхшаб тушунтирсанг-чи!

— Сув бер, муздек сув...

У чинни косада тўлатиб келтирган сувни симириб, бироз ўзини қўлга олди.

— Кечқурун уйга келсам, уйда... У охиригача гапиролмай, пиқиллаб йиғлаб юборди. Кап-катта одам ёш болага ўхшаб йиғлаб ўтирса, ғалати бўларкан.

— Ма, ўпкангни босиб ол, — Холбек унга сочиқ тутқазди.

— Эшиклар катта очиқ... Мунира гиламда чўзилиб ётибди. Ҳаммаёқ қон... Болалар хонасида...

Қаҳҳор бўридай ув тортиб, сочиқни юзига босди. Холбек ҳаммасини тушунди. Демак, Нодир ҳам... Бир лаҳза унинг кўзларида шу ҳолатга сираям ярашмайдиган нимадир учқунлади-ю, ўша заҳоти сўнди.

— Мегажинга куймайман, — деди сал юрагини бўшатиб олган Қаҳҳор. — Шу кетишда, балки ўзим бирёқли қилармидим! Лекин ўғлим... Нодиримда нима айб... Нега у...

— Мелиса чақирдингми?

— Калланг ишлайдими? Ўзимни тиқиб қўйишади-ку! Кунора уруш-жанжални маҳалла-кўй билмайдими? «Ўлдираяпти» деб участкавойга борган, юзларини тимдалаб! Уй-жойни бўлиб оламан, деб судга бергани-чи! Ҳамма, ҳамма нарса менга қарши!

Холбек унинг енгидаги қизғиш доғга тикилди. Буни пайқаган Қаҳҳор беихтиёр енгларини ҳимариб, сертук билакларини яланғочлади.

— Сен ҳам ишонмаяпсан-ку! — бақирди у. —Кўнглингни билиб турибман. «Ўзи чавақлаган бўлсачи», деб ўйладинг, а? Тўғрими? Э, худо, нима қилдим энди?!

— Бўлар иш бўпти. Минг додвой қилганинг билан ўрнига келмайди. Хўп, мендан нима истайсан? Нима қил дейсан?

— Қотил топилгунча мени ҳимоя қилишинг керак! Адвокатимсан, бекорга пул тўлаяпманми?

— Миннат қилма, — Холбекнинг жаҳли чиқди. — Ошим ҳалол, ўн миллионни ким ундириб берди?

— Мани дардим нима-ю!

— Бўпти-бўпти, — Холбек сигарет тутатди. — Ким бўлиши мумкин? Балки ўғри-пўғридир? Уйда ҳеч зоғ йўқ, деб кирган-у... Пул-мул, тилла-пилла йўқолмаптими?

— Шу ҳолатда уйни титкилаш хаёлимга келармиди?

— Барибир, сендан гумон қилишади. Судгача топган тутганини яшириб қўймоқчи бўлган-у... деб ўйлашади. Шошма-чи, битта йўли борга ўхшаяпти. Ҳа-ҳа, кечаги кундан командировкадасан. Қанча олисда бўлсанг, шунча яхши. Ишхонадаги сейфнинг калитини менга бер. Сафарни ўзим расмийлаштириб қўяман. Айтмоқчи, кеча куни бўйи нима қилгандинг? Кимлар билан кўришгандинг?

— Судга берганини айтганидан кейин юрагимга қил сиғмай, дачада ичиб ётибман. Ҳеч кимни кўрганим йўқ.

— Буниси яхши. Ҳозироқ йўловчи машинами, такси-пакси қилибми, Тошкентга жўна. Бирон жойда қорангни кўрсатмай ёт. Уч-тўрт кундан кейин қўнғироқ қиларсан.

— Нимага, қайси гуноҳим учун қочиб юрарканман?

— Бўпти-да, — Холбек телефон гўшагини кўтарди, — чақираверайми?

Қаҳҳор шарт ўрнидан турди.

— Бўлди, айтганингни қиламан. Шу балодан асрасанг, бас!

— Бетингни ювиб, кўйлакни алмаштириб ол. Машинани калитини ташлаб кет. Дачага обориб қўяман...

* * *

— Одамни одам бузаркан-да, ака, — Қўқон шаҳридан чиққанларидан бери ҳайдовчининг жағи тинмасди. Унинг гаплари қулоғига кирмаса-да, Қаҳҳор ҳар замонда, кўнгил учун «ҳа-а-а» деб қўярди.

— Ўзимдан қиёс, — «фалсафа»сини давом эттирди у. — Зир югуриб, одамини топдим. Гаплашиб берадиган бўлди. «Тест» кунидаги одамни кўринг! Боласимас, ўзи кираётгандай ўқишга! «Чўтал» узатиб қўйганим учун бемалол юравериппман. Бўлмади. Ўғил ўтолмади. Бўлмаса, нуқул «беш»га ўқиган. Иложини қилолмадим, деди ўртада турган одам. «Битта ўринга элликтадан бўп кетибди...» Унинг гаплари кўзимни ярқ этиб очди. Ҳеч ким билан гаплашмаган у. «Ўғли ўтиб кетса ё раззоқ, ўтмай қолса пулини қайтариб бераман» деб ҳийла ишлатган. Эҳ, бари айб ўзимизда. Ўзимиз ўргатиб қўямиз-у, кейин унақа бўп кетти, бунақа бўп кетти, деб нолиб юрамиз. Шартнома тузсаям бўларкан-у, доғда қопман...

Ичини ит таталаётган Қаҳҳор ўзини ухлаганга солди. Ҳайдовчи уйқу элитишидан чўчидими, магнитофонни баландлатди.

...Дўст деб юрганинг душман бўлмасин!

Ҳофизнинг ноласи Қаҳҳорнинг юрагини баттар қонга тўлдирди. Дилининг туб-тубидаги шубҳа-гумонлар тағин миясини кемирди. «Тўғри қилдимми, Холбекка айтиб? Икки киши билган сир сир эмас-ку! Холбек ҳалол, ҳалол одам, у. Кўнглида кири йўқ. Шу пайтгача бирон марта панд бермаган. Уни ким чалмоқчи, ким? Бировга ёмонлиги йўқ. Қўлидан келса ёрдамини аямайди. Рақобатчисиям йўқ, ҳисоби. Ё...» Қаҳҳор ўн миллионни эслади. У тегирмон қурган, иши юришмай қолгач, сотишга мажбур бўлганди. Йирик сармоядор билан шартнома тузди. У келишилган нархнинг йигирма беш фоизини ўтказиб берди-ю, тегирмонни ўзиники қилиб олгач, думини тутқазмай қўйди. Қаҳҳор салкам бир йил ортидан югурди. Шу бир йил ичида қулоғигача қарзга ботди. Агар Холбек қонунларни сув қилиб ичиб юбормаганида борми! Суд орқали қарзни фоизи билан ундириб берди!..

«Қасдлашиб қолган ўшамикан... Йўқ, унақалар бундай йўл билан ўч олишмайди. Синдиришга уринса уринадики, қўлини қонга ботирмайди...»

«Волга» ғийқ этиб тўхтади.

— Бет-қўлни чайиб олмасак, кўз кетиб...

Қаҳҳор беихтиёр ҳайдовчининг ортидан тушди. Тонги ғира-шира. Довон ортда қолибди. Чап томонда жарликда сой шарқираб. Қаҳҳорнинг дилидаги хижилни ёзаётгандай эди. Тик қоянинг ўртасидан ёриб чиққан «Оби раҳмат» сувидан тўйиб ичди. Кайфидан асар ҳам қолмади. Юрагининг тафти босилгандай, бир зум ғам-андуҳларини унутди.

«Эссизгина, танга овомапмиз!» Қаҳҳор Нигоранинг овозидан сесканиб тушди. Ҳайдовчи сочиқда юзини артарди.

— Нима ният қилсангиз, етишарканcиз, — деди у кулимсираб.

«Эсим оғиб қоляпти, шекилли». Қаҳҳор ўзини орқа ўриндиққа ташлаб, кўзларини юмди. Қулоғининг остида Нигоранинг бетакрор, жозибали кулгуси янгради. Ҳар гал бу кулгудан юраги ўйнаб кетар, шундай лаҳзаларда бу ёруғ оламда ундан бахтиёр одам йўқ эди. У кулганда олам кулар, у жўрттага қовоғини уйганда дунё зимистонга айланарди. Унинг сўзлари юрагига мафтункор куй бўлиб қуйилар, учрашувдан учрашувгача ана шу куй сеҳридан сармаст юрарди. Илоҳий маъбудасини кўрмаган куни карахт бўлиб, эс-ҳушини йўқотар, кўришганда эса... кўришганда тилдан қолиб, дудуқланарди. Нигора унинг пайдарпай гапларига қотиб-қотиб кулар, баттар хаёлини ўғирларди. Бу сархуш куйнинг ниҳояси йўқдай эди...

*(Давоми келгуси сонда).*

ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг ҳаммуассислигидаги нашр — «Huquq va burch» ижтимоий-ҳуқуқий журналининг 3-сони босмадан чиқди. Журналнинг январь, февраль сонлари ҳам ўз муштарийларига етиб борган бўлиб, кенг жамоатчилик эътиборига тушган эди.**

Фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва савиясини ошириш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонун устуворлигини таъминлаш фаолиятига доир материалларни бериб бораётган ушбу журнал мухлислари тобора ортиб бормоқда.

Журналнинг март ойига мўлжалланган анъанавий сонида ҳам бунинг инъикосини кўриш мумкин. Шунингдек, мазкур сонда ҳуқуқий соҳада самарали фаолият кўрсатиб келаётган хотин-қизларнинг чиқишларига кенг ўрин ажратилган. Жумладан, С.Ортиқова («Ҳуқуқий тарғибот — энг тўғри йўл»), Г.Разоқова («Қатъият ва касбга садоқат»), С.Нуъмонова («Пудрат шартномаси»), Ё.Қодирова («Оталикни белгилашнинг судда кўрилиши»), Ш.Ҳамроева («Гендер муаммоси»), Қ.Абдурасулова («Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолати») сингари муаллифларнинг мақолаларида соҳага тегишли қатор муҳим мавзулар билан бирга давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари ўртага ташланади.

Шунингдек, журналхонлар халқимизнинг боқий қадрияти бўлмиш Наврўз удумлари ҳақида мутахассис мақоласи билан ҳам танишадилар. Нашрнинг ранг-баранг ва мазмундорлигини ошириш мақсадида эълон қилинган «Буюк шоир ва ҳуқуқшунос», «Эл ардоғида», «Йўлчи юлдуз» каби мақолалар ўқувчиларга маънавий озуқа, руҳий қувват бағишлаши шубҳасиз.

Ҳуқуқий-маърифий мақолаларни ҳозирги замон юқори безак ва босма ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда бериб боришга эришиб келаётган «Huquq va burch» журнали нафақат юрист-мутахассисларни, бошқа соҳа ходимлари, кенг жамоатчиликни ҳам қизиқтириши шубҳасиз.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 455. 21 933 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G'afurjon ALIMOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 1234 678